



ЯПОН ИЕРОГЛИФЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Лутфиллоева Фахринисо Маҳмудовна,
СамДЧТИ таянч докторанти*

Калит сўзлар: япон тили иероглифлари, ўқитиш методикаси: қиёсий таҳлил, мнемотехника, компьютер технологиялар, мультимедиа, академик ёндашиш, яхлит ёндашиш, таркибий таҳлил.

Тил ўрганиш кишилик жамиятида муҳим соҳалардан бири ҳисобланиб, уни табиий муҳитда ёки уюшган ҳолда ўрганиш мумкин. Ҳалқаро муносабатлар авж олган замонамизда тилларни билиш улкан аҳамиятга эгадир.

Хусусан, «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш» устувор вазифалардан бири сифатида тилга олинган. Бунда педагог кадрлар олдида умр бўйи изланиш, эгалланган билим ва малакаларни такомиллаштириш, танқидий фикр юритиш кўникмаларига ҳамда доимий ўзини ривожлантириш мотивациясига эга бўлган мутахассисларни тарбиялаш каби вазифалар белгиланди.

Бу эса чет тиллар, жумладан, япон тилини ўқитишнинг самарали усуллари тадқиқ этиб, уни амалиётга жорий этиш заруриятини яратмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 май «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда бўлажак мутахассисларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигига алоқадор вазифаларни самарали ҳал этиш, ўқитишнинг таъсирчан механизмларини амалиётга татбиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб, бу чет тилларни ўрганишда аҳамиятли ҳисобланади. Тил

структурасидан келиб чиқиб, унга тўғри ёндашиш тилни самарали даражада ўрганишга кўмак беради. Ҳозирги кунда япон тилини ўқитишда замонавий коммуникатив методлардан оқилона тарзда фойдаланилишига қарамасдан, уни ўқитишда тилдаги мавжуд мураккабликларни енгиллаштириш учун инновацион технологияларга мурожаат этиши талаб даражасида деб ҳисобланмоқда.

Маълумки, япон тили дунё тиллари орасида энг мураккаб тил сифатида қаралади. Унинг мураккаблиги тилдаги иероглиф сўзларнинг мавжудлигидадир. Иероглиф сўзларни самарали ўргатиш борасида япон тили мутахассислари томонидан бир қанча янгиликлар яратилган бўлишига қарамасдан уни ўқитиш тизимини кўникмаларни такомиллаштириш эҳтиёжи сезилмоқда.

Иероглифларни ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш узоқ вақт мобайнида тадқиқотчиларнинг диққат марказида турган. Хусусан, иероглифларни уюшма сўзлар тизими ёрдамида образли, эйдетик хотира асосида ифодалаш мақсадга мувофиқ дейилган. Айнан, 1990 йилларнинг бошларида биринчи марта чет эл методикасида япон тилини хорижликларга ўргатиш муаммосига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Япон тили чет тили сифатида 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўргатилиб келинмоқда. М. Ногутининг фикрича япон тили иероглифларни идеографик ёзув тушунчаси шаклланмаган ўқувчиларга ўргатиш методикаси кўпинча оддий япон мактабларидаги каби ташкиллаштирилган, Бироқ, С. Мацубара, Д. Кесс ва



Ю.Миямото, Ж. Хейсиг, Ж.Де. Руу ва бошқа тадқиқотчилар бу каби механик шаклдаги усулларда ўргатиш, иероглиф алфавити ва ундаги фонетик система бегона бўлган тил соҳибларига нисбатан самарасиз восита деб ҳисоблашган. Сўнги вақтларда айнан шу муаммо тилшунослар орасида жуда фаол ҳолатда муҳокама қилинмоқда. Ваҳоланки, бу ҳолат айнан педагоглар (А. Лоллини, Ф. Флагерти, Ё. Кавагучи ва бошқ) ва психологлар (М. Сугита, Ё. Окита, С. Мацубара, Д. Кесси, Ю. Миямото) нуқтаи назарида муҳим аспект саналган.

Бундан ташқари, чет тилида сўз бойлигини ошириш, ўқиб тушуниш кўникмасини шакллантириш, фикрларни ёзма ва оғзаки мулоқот жараёнида аниқ ва тушунарли ифода этишга ёрдам берадиган бир қанча методлар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг учун алабатта ҳар бир тилда мавжуд лексик қатламни пухта ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу қатламни ўзлаштириш борасида ҳам бир қанча методлар ишлаб чиқилган ва улардан бири, бу мнемотехника усулини мисол қилиб келтиришимиз мукин. Чет тилини мукамал даражада ўрганиш учун ҳозирги вақтда жуда кўп методлар бўйича дарс жараёнлари ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Мисол қилиб, чет тилини ҳамкорликда ўрганиш усуллари, мулоқот маданиятини шакллантириш учун ахборот технологиялар асосида ишлаб чиқилган онлайн курсларни келтириш мумкин.

Япон тили иероглифларни яхлит бир ёзув тизими асосида ўрганиш ва татбиқ этиш XX аср охирларида вужудга кела бошлади.

У.П. Стрижакнинг “Система обучения иероглифической письменности (японский язык)” диссертациясида ёзилишича, япон тили иероглифларнинг ўргатиш методикасида иероглифларни ўргатиш яхлит тизим сифатида шакллантирилмаган ва бу тилдаги лексик бирликларни ўрганишда бир қанча қийинчиликларга олиб келиши, ёзув жараёнида кўникмаларни шакллантириш жуда кўп миқдорда сўз белгиларни

ёдлашга олиб келади. Шунинг учун ушбу муаммога алоҳида эътибор бериб, япон тили иероглифларнинг ўргатиш методикасида ягона ўқитиш сифатида иероглифларни самарали ўрганиш учун қуйидаги масалаларга эътибор беришни тавсия этган:

1. Ҳар бир иероглифнинг *ОН* ўқилиш тури ва *КVN* ўқилиш турларини ва уларни тўғри қўллаш талабаларнинг фонетик кўникмаларини ривожлантириш.

2. Ҳар бир иероглифни семантик хусусияти мустақил ифодаланганда, бошқа иероглифлар билан бирикканда ва иероглиф сўздан ташкил топган мавжуд маъноларни изоҳлаш кабиларни эса сақлаш.

3. Ҳар бир иероглифнинг ёзилиши ва уни ёзувда қўллаш кўникмасини яратиш.

Шунингдек, япон тили иероглифларни ўрганиш жараёнида мавжуд бўладиган 3 турдаги мураккаблик даражасини таҳлил қилди.

Иероглиф белгини ўқий олишда мажуд бўладиган қийинчиликлар қуйидагича изоҳланган:

- ўқиш нутқ фаолиятининг бир тури бўлишидан фарқли ўлароқ, ҳар бир иероглифнинг 2 ёки ундан ортиқ ўқиш турлари мавжудлиги катта миқдордаги график ва фонетик бирикларни эслаб қолиш заруриятини яратади;

- иероглиф белги сўзнинг маъносини англашдаги вужудга келадиган қийинчиликлардан яна бири ёзув белгисининг ноодатий маъноли қисмига эга бўлиши ва ҳар бир иероглифнинг семантик маъносининг кўплиги билан изоҳланади;

- иероглифни сўзни белгиланган кетма-кетлик тартибида тўғри ёзиш қийинчилиги. Кўникма ҳосил қилиш учун такроран қайта-қайта бир турдаги маълумотни ёзиш.

Шу каби япон тилининг иероглифларини самарали ўргатиш борасида яна бир нечта ишлар амалга оширилган. Масалан, буни Н.Г. Паюсованинг XX асрнинг 1950 йилларида яратилган “Иероглиф курсига кириш” ва “Иероглифларни ўргатиш



методикаси” каби ишларида кузатиш мумкин. Олима бу ишларида иероглифларни ўргатиш ва мустақамлаш усулларини таҳлил қилган ва асосан икки метод асосида иероглифларни ўрганишдаги қиёсий таҳлилни амалга ошириб, онгнинг интуитив ва аналитик ёндашувини англаш борасида фикр билдирган.

Шу билан бирликда, В.Ф. Резаненконинг психоллингвистик тадқиқоти аҳамиятга моликдир. Унда 6 минг иероглифнинг этимологик, яъни келиб чиқишини семантик унсурлар билан уйғунликда ёритиб берган. Бу билан иероглифнинг идеографик белги ва унинг маъноли қисми билан боғлиқликни тизимлаштириш орқали муаммо ечимини топади.

Ш.Сато “Мадрид япон тили марказида иероглифларни ўргатиш ва амалиётда тадқиқ этиш” номли мақоласида Испаниянинг Мадрид шаҳрида жойлашган япон тили марказида таҳсил олувчи ўқувчиларга иероглифларнинг осон усулда ўргатиш методикасини ишлаб чиққан. Бунга кўра, иероглифларни образли тасвирларда ўргатиб, дарс жараёнида интерактив ўйинлар билан машғулотни олиб бориш усулларини кўриб чиққан.

Индонезия институти профессори Л.М. Расибан япон тилини иероглифларини самарали ўргатишда айнан мнемотехника усулига алоҳида аҳамият қаратган. Унинг фикрича, мнемотехника ёрдамида ўргатишда ҳар бир иероглифнинг семантик маъносини англаш ва уни тўғри талкин қилишда катта ёрдам берди. Ҳатто ўрганувчилар томонидан бу ҳолат маъқулланган ва мнемотехник ўрганиш жараёни мароқли ва кизикарли деб топилган.

Кайсер Стефан мақоласида япон тили иероглифларини айнан мнемотехникага асосланган ўқув қўлланмаларга таяниб ўргатиш фикрлар илгари сурилган.

Аукландия университети профессори ўқитувчилари Е. Манало, С. Мизуми, Ж. Траффордларнинг тадқиқот ишларида келтирилишича, япон тили иероглифларини мнемотехника ёрдамида

ўргатиш унинг ўрганиш жараёнини осонлаштиради. Тадқиқот ишида 27 та япон тилини бошланғич даражадаги ўрганувчилар орасида олиб борилган. Япон тили алфавитлари хирагана, катакана ва канжи (иероглиф)ни мнемотехник карталар ва улар асосида тузилган ҳикоялар билан тушунтирилган. Натижада, ўқувчилар ҳар қандай даражадаги машқларни, ҳатто кўшимча машғулотларни ҳам алоҳида бир қизиқиш билан бажаришган.

Р.Тале, Т. Наммондлар фикрига кўра компьютер тизими ёрдамида иероглифларнинг шаклий чизмасини қисмларга ажратиб ўргатиш самарали деб ҳисобланган. Унга кўра, маълум бир бошланғич даражадаги иероглифни унга шаклан ўхшаш бўлган бошқа иероглиф сўз билан таққослаш орқали, ҳар бир иероглифнинг ёзилиш тартиби ва улар асосида ясаладиган бошқа иероглиф сўзларнинг мантиқий схемаси яратилган.

Бурцева Е.В. “Актуальность запоминания иероглифов студентами в современных условиях доступа в глобальное информационное пространство” мақоласида иероглифларни самарали ёрда сақлашда компьютер технологиялар методикасини таълимда қўллаш орқали ўргатиш, ўқув жараёнининг янги қирраларини очишга ва дарсни янада мароқли тарзда ўтишга жуда катта ёрдам беради деб ҳисоблайди.

Цукуба Университетида Ито Хидеаки “компьютер имитацион моделлар ёрдамида иероглифларни ҳикоя асосида ўргатиш методикаси”, Нагоя университети ахборот технологиялар маркази тадқиқотчилари Норман Л., Шожи К., Кенжи М. “Иероглифларни мнемотехник ҳикоя асосида ўргатиш усули” номли ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишган. Бу каби ишлар япон тилида мавжуд бўлган иероглиф сўзларнинг осон ва енгил эсда сақлаш ва амалда самарали қўллаш учун жуда ҳам аҳамиятли ҳисобланмоқда.

Н. Лин, Ш. Кажита, К. Масе Нагоя университети тадқиқотчилари япон тили иероглифларини самарали ўргатиш методини ишлаб чиқишди. Бунга кўра



компьютер тизими ёрдамида ўрганилаётган япон иероглифларининг мнемотехник ҳикоя тузиш орқали ёритиб берилган. Бу тизим ҳар бир иероглиф шакл унинг келиб чиқиш шаклидан бошлаб иерархик ҳикоя асосида яратилиб, гипперсилка йўли билан бутун бир қисмининг боғлиқлиги тасвирланган. Иероглифларнинг образли кўриниши аудио овоз ёрдамида унинг маъноси ва мнемотехник ҳикоя ёрдамида ифодаланган. Бу эса ўрганилаётган материал мулти модели, яъни аудио ва видео моделлари ёрдамида амалга оширишга эътибор қаратилган. Бизнингча, мнемотехник ҳикоя, аудио, видео ва мобил ускуна жамланмаси иероглифларни компьютер тизими асосида ўқитиш методининг энг фойдали ва янги йўналиши ҳисобланади.

С. Либренжак, К. Вукович, З. Доведан ўзининг “Multimedia assisted learning of Japanese kanji characters” номли ишида чет элдаги япон тилини ўрганувчи талабалар учун иероглифларнинг ёзилиш тизимини ўргатувчи мультимедиа орқали амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди. У бир гурҳда 6 та талабани йиғиб, бир семестрга оид иероглиф сўзларни ўргатишда дарс машғулотларни фақат мультимедиа методлари, яъни вебсайтлар, видео ва смартфонлар билан фойдаланган ҳолда ўтказди. Натижада гуруҳ юқори кўрсаткичли ютуқ 300-400 та канжини муваффақиятли ўзлаштиришга эришди. Олдинги дарс жараёнидаги мавжуд кийинчиликларга аксинча тез ва осон ечим топилди.

Цуда университети ўқитувчиси С. Маюмининг мақоласида япон тили иероглифларни ўрганишда, дастлаб бошланғич босқичдан иероглифларнинг фонетик тушунчасини шакллантириб, япон тилига оид билимни давом эттириш мақсадга мувофиқ деб қаралган. Бунинг сабаби, иероглиф – канжиларни фонетик бирлик кўникмаларини бошланғич даражадан бошлаб ўргатиш ўқувчиларнинг иероглифни англашдаги жараёни янада кизиқарли ва тушунарли қилишга ёрдам беради. Шу пайтга қадар иероглифларни ўргатишда асосан унинг маъноли қисмига

эътибор қаратилиб, бу соҳада бир қанча илмий янгиликлар бажарилган, бироқ, бу ноодатий белгиларни ўқувчиларга ўргатишда унинг маъноли қисми билан биргаликда жуда кўп ўқилиш усулига эга фонетик бирликларни ҳам айнан бошланғич даражадан ўргатиб бориш ўқувчиларнинг ушбу тилга бўлган иштиёқини яна бир маротаба орттириши асосланган.

Бишкек Давлат университети доценти Г. Воробьева япон тили иероглифлари борасида бир неча йилдан бери ўз илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Унинг дастлабки “Сказки об иероглифах” номли ўқув қўлланмасида иероглифларнинг хорижий ўқувчиларга ўргатиш йўллари тўғрисида таклифлари бериб ўтилган. Бунга кўра, 220 та иероглифнинг келиб чиқиши ва таркиби мнемотехника асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бошланғич босқичдаги ўқувчилар учун жуда қулай ҳисобланади. Ўқув қўлланма япон тилини рус гуруҳида япон тилини ўргатувчи ўқитувчилар учун ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари Г. Воробьева ва В. Воробьевлар иероглифлар борасида бир қанча мақолалар ва тадқиқот ишлари олиб боришган. Масалан, охириги икки мақоласида улар иероглифларни таркибий таҳлил қилиб, уни ўрганувчилар учун энгил усулда англантиш ечимлари устида илмий изланишлар қилган. Бошқа бир мақолада иероглифларни самарали ўргатиш учун айнан электрон дарслик устида иш олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бу борада Индонезия университети тадқиқотчилари N. Haristiani, D.B. Firmansyah томонидан компьютер технологияси ёрдамида иероглифларни осон ўрганиш ва энгил эса сақлаб қолиш учун андроид дастур ишлаб чиқишган. Бу ускунадаги иероглифлар миқдори япон тили қобилиятини аниқлаш имтиҳонининг N5 даражасига мослаб яратилган. Бошқа медиадан фарқи шундаки, смартфонда мустақил ўрганиш учун жуда қулайлигидир. Бундан ташқари, иероглифларни ўрганиш босқичидан



уларни текшириб кўриш, яъни имтиҳон қилиш босқичли дастурий таъминот билан жиҳозланган. Иероглифларни 105 таси жамланган бўлиб, ҳар бир иероглифнинг ўқилиш турлари *КУН* ва *ОН* ҳамда жумлаларнинг индонезия тилида таржимаси ва сўз ясалиши намуналари ҳам батафсил келтирилган. Бу дастурдан фойдаланган ўқувчи нафақат иероглифларни мустақил ўрганишга, балки ўқилиш усулини, сўзларнинг маъноси ва луғатда қўлланиш йўллари ҳам билиб олиш имкониятига эга бўлишади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда япон тилини ўқитишда мнемотехник схемаси асосида компьютер технологияларидан фойдаланиб иероглифларни образлар(кўрсатмали) кўринишида тасвирлаш муаммосига эътибор берилмаган.

“Япон тили” иероглифларини мантиқий ҳикоявий схема асосида ҳар бир иероглифларнинг мазмун-моҳиятини очиб бера оладиган компьютер имитацион моделини яратиш ва тажриба-синовдан ўтказиш муаммоси қўйилган. Япон тилидаги канжиларни мазмун-моҳиятини компьютер имитацион модели асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва олий таълим ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборат.

Ҳозирги кунда иероглифларни ўргатиш амалиётида учта асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Академик ёндашиш. Назарий омилларга таянган ҳолда ўргатиш усули бўйича кимлар тадқиқот олиб борганлигига эътибор бериш лозим бўлади.

2. Яхлит ёндашиш. Бу метод бўйича Н. Китани, Н. Ерофеева, М. Роули, Дж. Хейсиг, К. Хеншал, Ё. Кавагучилар ўз тадқиқотларини олиб боришган. Бу усулнинг натижаси ҳам муҳим. Чунки иероглифни ўрганувчилар бу метод орқали ҳар бир иероглифни тўлиқ семантик маъноли белги сифатида қабул қилишади.

3. Таркибий таҳлил. Бу метод тарафдорлари А.Толлини, М. Флагерти, М.Ногути, Дж.Кесс, Ю.Миямото, В.

Смоленский, А. Тальшханов каби тадқиқотчилар ҳисобланади. Бу методиканинг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳар бир иероглиф белгига синтетик-аналитик ёндашув билан таҳлил қилинади.

Мазкур илмий тадқиқот усулларида, асосан, иккинчи яхлит ёндашиш методи бўйича иш олиб борилган. Бунга япон тили иероглифларини ўргатишда, асосан, фонетик кўникмаларни образли тарзда шакллантириш мақсадга мувофиқ деб қаралади. Чунки ҳар бир иероглиф сўз ўзи билан бир нечта фонетик бирликларни жамлаб келади. Айнан ана шундай ҳолат талабанинг япон тилидаги мавжуд иероглифларни мукамал ўзлаштиришда катта тўсиқ яратиши мумкин.

Яқин кунлардан бошлаб япон тили ёзув тизими япон тилини ўргатиш методикасида алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида қаралмоқда. Жуда кўп тадқиқотчилар фикрига кўра (Л.Т. Нечаева, Ж. Мажима, К. Самими, М. Табусе ва ҳоказо.) япон тили илк босқичида ўрганилаётган ёзув тизими тилшуносликнинг бир соҳаси сифатида шаклланиши ва тилдаги мавжуд икки алфавитга ҳамда иероглиф ёзувга ҳам кўникма ҳосил қилиш, психологик тўсиқни енгиб ўтиш жуда муҳим босқич ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, япон тилини ўрганишдаги энг катта тўсиқ бу иероглифлардир. Айни пайтда япон тили иероглификаси мураккаб кўп даражали структурага эга. Унда лексик бирликнинг идеографик ва фонетик усуллари мужассамлашган. Айнан шу сабабли япон тили иероглификасини ўрганиш ўқув жараёнида кераклича муракабликларни вужудга келтиради. Ўқув жараёни шундай ташкиллаштириш керакки, япон тили ёзув тизимида мавжуд бўлган ўзига хос қийинчиликлар талабанинг бошланғич босқичдаги тилни ўрганишдаги иштиёқига асло тўсқинлик қилмаслиги керак. Акс ҳолда янги тилнинг лексик ёзув усуллари психологик идрок мураккаблиги туфайли тилни ўрганиш жараёнидаги ўтиб бўлмайдиган тўсиқни юзага келтириши



мумкин. Япон тили ёзув тизимини ўрганиш жараёнида иероглифларнинг психологик хусусиятлари тушунчасига эга бўлмаслик, иероглифика материални ўзлаштириш самарадорлигини камайтиради ҳамда япон тилини ягона тил сифатида қабул қилиш мотивациясини пасайтиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, япон тили дунё тиллари орасида энг мураккаб тил сифатида қаралиши ва унинг мураккаблиги тилдаги иероглиф сўзларнинг мавжудлиги билан белгиланиши ҳамда иероглиф сўзларни самарали ўқитиш тизими кўникмаларини такомиллаштириш эҳтиёжи борлиги аниқлаштирилди. Демак, юкорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда иероглифларни ўргатиш учун амалиётда учта асосий йўналиш, яъни: академик ёндашиш; яхлит ёндашиш; ва таркибий таҳлил каби таҳлил йўналишлари қўлланилади. Чет тилларни ўрганишда жуда кўп усул ва методлар қўлланилади. Ҳар бир метод ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга.

Жумладан, мнемотехника методи маълум ақлий меҳнатни талаб қилса-да, жуда самарали ҳисобланади. Чет тилларни замонавий ўқитиш методикасида маълумотларни эсда сақлаш учун жуда кўп ўзига хос йўллар ва усуллар мавжуд. Буларга «қофиялаш, қисқартмалар, механик ёдлаш» кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бугунги кунда эътибор қаратилаётган амалий соҳалардан бири бу мнемотехника (юнон. “эслаб қолиш маҳорати”) методи ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда дарс машғулотларини мнемотехника ёрдамида компьютер имитацион моделлардан фойдаланиб, образлаштириш асосида, талабага образни яратишга ўргатиб, бир, икки аниқ мисоллар келтириши орқали талабада ўқишга бўлган чуқур ва қатъий қизиқишни уйғотиш, мақсадли шароитни яратиш, мотивацияни ошириш каби муҳим жараёнларни шакллантиришга замин яратади. Шу боисдан инновацион таълим технологияларини дарс жараёнига қўллаш ниҳоятда долзарб масаладир.

Адабиётлар:

1. Ж. Жалолов. Чет тилини ўқитиш методикаси: - Тошкент: Ўқитувчи нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 434 б.
2. Стрижак У.П. Система обучения иероглифической письменности (японский язык): Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. - Москва, 2005. – С 32.
3. Резаненко В.Ф. Семантическая структура иероглифической письменности: -Киев: КГУ, -2002 – 132 с.
4. Norman, L. Story-based CALL for Japanese Kanji Characters: A study on student learning motivation/L. Norman// The Jalt Call Journal. -2007.-No3.1-2.- p25-44.
5. Yoko K. The role of imagery on imagery-mediated strategy in paired – associate learning of kanji and their English equivalents//Journal Psychology, 2001.-№ 44. – P. 259-268.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm>.
7. Ikeda Y. A case study on non-kanji learners' view of kanji: E-collections Repository of Open access Scholarly. – Ibaraki, Japan, - 2007. – 40 с.
8. Suzuki M., Satoshi I. Kanji pattern recognition for beginner Japanese learners: Hokkaido University Collection of Scholarly and Academic Papers: HUSCAP. – Hokkaido, - 1999. -113 с.
9. Воробьева Г. Сказки об иероглифах часть 1: –Б.: ОсОО Лакпринт, 2007, - 182 с.
10. Маюми, С. С какого времени следует изучать фонетики в качестве стратегии изучения иероглифов// Ассоциация преподавателей японского языка Кыргызской Республики. -2020-№ 4.-С.40-50.



11. Паюсова Н.Г. Методика обучения иероглифике: Дис.канд.фил.наук. -М.: 1954. – 241 с.
12. Hamakawa Y. 日本語教師のための実践 漢字指導 The Japan Foundation., Japanese language center, -Tokyo: 2010. – 250 p.

Лутфиллаева Ф. Методика преподавания японского языка и тенденции её развития. У каждого языка есть свои особенности, которые важны при изучении иностранных языков. Исходя из структуры языка, нужно найти правильный подход к обучению, эффективно изучать язык, использовать современные коммуникативные методы, внедрять инновационные технологии для облегчения существующих сложностей в языке. В статье анализируется методика обучения японских иероглифов, обсуждаются методы ее применения и эффективного обучения на основе интегрированной системы.

Lutfillayeva F. Methodics of teaching Japanese and tendencies of its development. Every language has its own important characteristics when learning foreign languages. Based on the structure of the language one need to find the right approach to learning of this, find effectively way for the learning language, using modern communication methods, and introduce innovative technologies to alleviate existing difficulties in the language. The article analyzes the study of the methodology for teaching Japanese characters, discusses the methods of its application and effective teaching based on an integrated system.